

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

ЖУМАНИЁЗОВ ҲУРМАТБЕК ПАЛВАННАЗИРОВИЧ

**АРВАТЕН КОНИ ДИАБАЗИ АСОСИДА ШИШАКРИСТАЛЛ
КОШИНЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Жуманиёзов Хурматбек Палванназирович

Арватен кони диабазиде асосда шишакристалл

кошинлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

Жуманиёзов Хурматбек Палванназирович

Разработка технологии получения

стеклокристаллических плиток на основе

диабазы Арватенского месторождения.....21

Jumaniyozov Hurmatbek Palvannazirovich

Development of technology for obtaining

glass-crystal tiles based on the diabase on

of the Arvaten deposit.....39

Эълонқилинганишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАРБЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**УРҒАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

ЖУМАНИЁЗОВ ҲУРМАТБЕК ПАЛВАННАЗИРОВИЧ

**АРВАТЕН КОНИ ДИАБАЗИ АСОСИДА ШИШАКРИСТАЛЛ
КОШИНЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PHd) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/T1893 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университети ва Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tkti.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арипова Мастура Хикматовна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юнусов Миржалил Юсупович
техника фанлари доктори, профессор

Талипов Ниғматулла Хамидович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

«Физика-Қуёш» ИИЧБ
Материалшунослик институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz. Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилган.
(2020 йил «__» _____ даги №__ рақамли реестр баённомаси).

С.М. Турабджанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Кадиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д. (DSc)

З.А. Бабаханова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинарга
раислик қилувчи, т.ф.д. (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертациясианнотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда дунёда соф реагентлар асосида олинган шишакристалл материаллар космонавтика, ракетасозлик, самолётсозлик, машинасозлик, кимё, тиббиёт ва маиший хўжаликда кенг фойдаланилмоқда. Шишакристалл материалларни қурилиш соҳасида қўллаш замонавий бино ва иншоотларнинг ташқи таъсирларга чидамлилиги ва декоратив ҳолатини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатлар АҚШ, Хитой, Россия, Японияда шишакристалл кошнлар ишлаб чиқаришда маълум ютуқларга эришилиб, ресурс ва энергиятежамкор технологияларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда магматик, метаморфик ва чўкинди тоғ жинсларининг кимёвий-минералогик таркибларини ўрганиш, минералларга мос микрокристалл тузилишли шишакристалл материаллар рецептурасини ишлаб чиқиш, шишаларнинг физик-кимёвий хоссалари ва кристалланиш қобилиятлари ўртасидаги функционал боғлиқликларни, кристалл фазалар ҳосил бўлишини таъминлайдиган кристаллаш режимларини аниқлаш, кристаллаш услубида анортит структурали шишакристалл кошнлар ишлаб чиқариш бўйича интенсив равишда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда амалга оширилаётган кенг чора-тадбирлар натижасида кимё ва қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш, хомашёларнинг янги захираларини яратиш, улар асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш борасида муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Ҳаракатлар стратегияси»нинг учинчи йўналишида «саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»¹ бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада Арватен кони диабази, Ангрен каолини ва Шўртан газ кимё мажмуаси (ШГКМ) алюминий оксидли чиқиндиларидан фойдаланиб, юқори механик мустаҳкамликка эга, совуққа чидамли, кимёвий таъсирларга бардошли шишакристалл кошнлар таркиблари ҳамда технологияларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сон «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шишакристалл материаллар таркиби ва олиш технологиясини яратиш ҳамда олинган материалларни хоссаларини ўрганиш бўйича S.D.Stookey, S.Ergul, A.A. Karamanov, R. Casasola, И.И. Китайгородский, Н.М. Павлушкин, П.Д. Саркисов, Н.М. Бобкова, Л.А. Орлова, Л.А. Жунина, К.С. Кутателадзе, С.Т. Сулейманов, Б.О. Есимов, Т.И. Артамонова, Г.А. Лебедова, А.В. Мананков, Н.А. Сиражиддинов, А.А. Исматов, М.Х. Арипова, М.Т. Мухамеджанова, З.А. Бабаханова, Ғ.А. Артиқов, Т.Д. Сидикова, Д.Б. Ахунов, Х.А. Адинаев, Б.Р. Рўзибаев ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан шишаларнинг кристалланиш қобилиятига нуклеаторларнинг таъсири ўрганилган, литийли ($\text{Li}_2\text{O}-\text{Al}_2\text{O}_3-\text{SiO}_2$), кальцийли ($\text{CaO}-\text{Al}_2\text{O}_3-\text{SiO}_2$), магнийли ($\text{MgO}-\text{Al}_2\text{O}_3-\text{SiO}_2$), стронцийли ($\text{SrO}-\text{Al}_2\text{O}_3-\text{SiO}_2$), барийли ($\text{BaO}-\text{Al}_2\text{O}_3-\text{SiO}_2$) тизимлар асосида шишакристалл материаллар таркиблари ва технологиялари тавсия қилинган.

Шу билан бирга, тоғ жинслари асосида шишакристалл материаллар олишда кристалл фаза - кимёвий таркиб боғлиқлиги, изо- ва гетеровалент изоморфизм тамойилини қўллаш орқали икки, уч ва тўрт фазали ҳолатдан моно фазали ҳолатга ўтиш, йўналтирилган кристаллаш усули билан шишакристалл кошнлар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш йўналишида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД 6-119 «Ўзбекистон базальт тоғ жинслари асосида техник йўналишлар учун шишакристалл композицион материаллар олиш» (2009-2011 й.й.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Арватен кони диабази асосида шишакристалл кошнлар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Арватен кони диабазининг кимёвий, рентгенографик, микроскопик, ИҚ-спектроскопик ва дифференциал термик таҳлилларини ўтказиш;

диабазга термик ишлов берилганда ва суyoқлантириб қайта кристаллангандаги фазавий ўзгаришларни тадқиқ этиш;

Арватен кони диабази асосида анортит тузилишли шишакристалл кошнлар таркибини яратиш;

каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида шишалар олиш, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ва кристалланиш хусусиятларини аниқлаш;

шишаларни кристаллантириб олинган маҳсулотларнинг тузилиши, физик-кимёвий ва механик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

диабаз тоғ жинслари асосида шишакристалл кошинлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Арватен кони диабази, каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида олинган шишалар ва улар асосида олинган шишакристалл кошинлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Арватен конидиабазининг кимёвий-минералогик таркиблари, каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида олинган шишалар ва шишакристалл кошинларнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари: Диссертация ишида кимёвий, рентгенографик, ИҚ-спектроскопик, дифференциал термик, микроскопик, электрон микроскопик ва микрозонд таҳлил усулларидадан фойдаланилган. Шунингдек олинган шишакристалл кошинларнинг физик-кимёвий ва механик хоссаларини аниқлашда анаънавий услублардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Арватен кони диабазининг минералогик таркиби олигоклаз $(Ca,Na)Al_2Si_2O_8$, ортаклаз $K(AlSi_3O_8)$, авгит $(Mg,Fe^{2+})[Si_2O_6 \cdot CaFe^{3+}(AlSiO_6)]$, хлорит $Mg_{4,5}Al_{2,5}[OH]_8(Si_3AlO_{10})$, кальцит $CaCO_3$ ва кварц SiO_2 дан иборатлиги аниқланган;

Арватен кони диабази 1200 °С ҳароратда аморф ҳолатга ўтиши ва ҳосил бўлган эритмани кристаллаш натижасида анортит ва авгит фазалари шаклланиши аниқланган;

изо- ва гетеровалентли изоморфизм тамойиллари асосида диабазнинг $Ca[Al_2Si_2O_8]$ тузилишли кристаллокимёвий формуласи $(Ca[Al_{0,728}Si_{1,774}O_{5,640}])$ ҳисобланган ва анортит таркибли шишакристалл материал олиш назарий жиҳатдан асосланган;

каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида шиша ҳосил бўлиш майдони чегараси ва физик-кимёвий хоссаларининг компонент таркибига функционал боғлиқлиги аниқланган;

шишакристалл кошинлар олиш учун каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида шиша таркиблари ишлаб чиқилган;

каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида шишаларнинг кристалланиш қобилияти ва структура ҳосил бўлиш механизми аниқланган;

Арватен кони диабази асосида шишакристалл кошинлар олишнинг технологик режимлари аниқланган ва ишлаб чиқариш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Арватен кони диабазининг кимёвий ва минералогик таркиблари ўрганилган ва ундан шишакристалл материаллар олишда фойдаланилган;

каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида шиша таркиблари яратилган ва кристаллаш йўли билан анортит структурали шишакристалл кошинлар олиш шароитлари аниқланган;

шишакристалл кошинларнинг мақбул таркиблари ва ишлаб чиқаришнинг

энергиятежамкор технологияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилда замонавий физик-кимёвий усуллар рентгенографик, ИҚ-спектроскопик, микроскопик, электрон микроскопик, электронзонд, дилотометрик ва дифференциал термик таҳлиллардан фойдаланилганлиги, назарий ва тажриба тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти термик ишлов бериш натижасида диабазнинг аморф ҳолатга ўтиши, қайта кристалланганда анортит ва авгит фазалари шаклланиши, каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида йўналтирилган кристаллаш усулида анортит таркибли шишакристалл кошинлар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Арватен кони диабаз асосида юқори физик-техник хусусиятли, кислота ва ишқорга бардошли, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош шишакристалл кошинлар таркиби ва технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Арватен кони диабаз асосида шишакристалл кошинлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

яратилган таркиб ва ишлаб чиқилган параметрлар асосидаги шиша олиш технологияси «Асл Ойна» МЧЖда жорий қилинган («Ўзсаноатқурилиш-материаллари» уюшмасининг 2020 йил 25 августдаги №05/15-2571 сонли маълумотномаси). Натижада шишакристалл кошинлар ишлаб чиқариш учун шиша олиш имконини берган;

шишакристалл кошинлар таркиби ва олиш технологияси «Хива Сополи» МЧЖда амалиётга жорий қилинган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2020 йил 25 августдаги №05/15-2571 сонли маълумотномаси). Натижада таннархи 6 баробар арзонлашган шишакристалл кошинлар ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 2 та халқаро ва 12 та республика илмий-техник анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола: жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари

тавсифланган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот иши натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Шишакристалл материаллар ишлаб чиқаришда диабаз тоғ жинсларидан фойдаланишнинг ҳолати ва истиқболлари**» деб номланган биринчи бобида диабаз тоғ жинсларининг тузилиши ва классификацияси ҳақидаги замонавий тушунчалар, изоморфизм ва унинг силикат материаллар ишлаб чиқаришдаги ўрни ва диабаз асосида шишакристалл материаллар олиш бўйичадунё олимларининг сўнги йиллардаги илмий тадқиқотлари баён этилган адабиётлар таҳлил этилган. Эълон қилинган ишларни танқидий таҳлил қилиш натижасида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот усуллари ва дастлабки хомашёлар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларда қўлланилган усулларнинг баёни ва хомашёларни танлаш бўйича маълумотлар келтирилган. Хомашёлар ва олинган маҳсулотларнинг таркиби, тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини аниқлашда замонавий таҳлил усулларида ҳамда давлат андоза талаблари асосида анъанавий физик-техник синов тажриба услубларидан фойдаланилган. Шишакристалл кошлар олиш учун маҳаллий хомашёлар – Жиззах вилояти Арватен кони диабази, АКФ-78 маркали бойитилган Ангрен каолини ва Шуртан газ кимё мажмуаси Al_2O_3 чиқиндиси танланган.

Диссертациянинг «**Арватен кони диабазининг таркиби ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш**» деб номланган учинчи бобида Арватен кони диабазининг кимёвий-минералогик таркиби, физик-механик хоссалари, термик ишлов берилганда диабаз тузилишида содир бўладиган фазавий ўзгаришларни аниқлаш ва диабазни суюқлантириб қайта қирисаллаш бўйича ўтказилган тадқиқотларининг натижалари келтирилган.


1-жадвал

Арватен кони диабазининг кимёвий таҳлил натижалари

№	Оксидлар миқдори, масс. %:											
	SiO ₂	Fe ₂ O ₃	FeO	TiO ₂	MnO	Al ₂ O ₃	CaO	MgO	Na ₂ O	K ₂ O	SO ₃	к.к.м.
1	47,80	6,52	7,77	1,30	0,10	12,48	8,49	5,80	3,00	1,40	0,22	4,85
2	50,10	6,79	7,85	1,80	0,12	13,30	6,87	6,96	1,80	0,56	0,31	3,24
3	48,58	6,18	6,11	2,00	0,14	14,00	9,19	3,16	4,70	1,00	0,14	4,80
4	47,80	5,18	8,80	1,71	0,06	12,60	8,56	6,05	3,95	0,91	0,38	4,00
5	47,64	5,00	7,42	1,69	0,13	13,24	8,79	4,30	3,42	1,90	0,40	5,45
6	48,30	5,25	8,15	1,90	0,11	12,10	8,90	7,56	3,02	0,53	0,21	3,90
7	46,20	5,47	8,12	1,72	0,09	14,73	9,26	6,06	2,66	1,82	0,37	3,50
8	46,50	5,85	8,00	1,93	0,12	16,80	6,79	6,39	1,22	1,61	0,29	4,54
9	46,86	5,90	7,20	2,50	0,10	13,93	9,86	5,92	1,94	1,37	0,04	4,40
10	50,05	6,36	7,58	1,35	0,10	11,65	7,90	5,92	2,89	1,70	0,14	4,73
Ўртача	47,98	5,85	7,70	1,79	0,11	13,48	8,46	5,81	2,86	1,28	0,25	4,34


Арватен кони диабазининг кимёвий таркиби таҳлил этилганда, унинг асосли магматик тоғ жинслар гуруҳига мансублиги аниқланди (1-жадвал).

Тадқиқот натижасига кўра, коннинг турли жойларидан олинган намуналар бир-биридан ташқи кўриниши, ранги ва кристалл тузилишлари билан фарқ қилмайди, зичлиги $2,9 \text{ г/см}^3$, сиқилишдаги механик мустаҳкамлик чегараси 400 МПа, Моос шкаласи бўйича қаттиқлиги 6, термик ишлов берилганда 1200°C да суяқланиб аморф ҳолатга ўтади. Диабазнинг фаза таркиби рентген усули билан текширилганда (1-расм), олигоклаз ($d/n=0,259; 0,280; 0,318; 0,367; 0,401; 0,425; 0,644 \text{ нм}$), ортоклаз ($d/n=0,177; 0,190; 0,264; 0,283; 0,292; 0,318; 0,383 \text{ нм}$), авгит ($d/n=0,162; 212; 0,221; 0,252; 0,298 \text{ нм}$), хлорит ($d/n=0,160; 0,186; 0,187; 0,199; 0,208; 0,238; 0,243; 0,353; 0,705; 1,420; \text{нм}$), кальцит ($d/n=0,156; 0,227; 0,302 \text{ нм}$) каби минералларнинг мавжудлиги аниқланди.




1-расм. Арватен кони диабазининг рентгенограмма тасвири

Арватен кони диабаз жинсларидан шаффоф шлифлар тайёрланиб, микроскопик таҳлил усулида текшириш орқали долеритли сутруктурага эга эканлиги, микродолирит структура фонида $0,06 \times 0,4 \text{ мм}$, $0,02 \times 0,3 \text{ мм}$ ва $1,4 \times 0,8 \text{ мм}$ ўлчамли чўзилган призматик кўринишдаги плагиоклаз кристаллари (2-расм) ва 500 баробар катталаштирилганда (3-расм), плагиоклаз призмалари оралиқларида пироксен ўзгаришишидан шакланган иккиламчи минераллар хлорит, кальцит ва кварц минераллари жойлашганлиги аниқланди.




2-расм. Арватен кони диабазининг 160 марта катталаштирилган микроскопик тасвири



3-расм. Арватен кони диабазнинг 500 марта катталаштирилган микроскопик тасвири


Арватен кони диабазини дифференциал-термик таҳлил этиш шуни кўрсатдики (4-расм), термик эгриликларда бир қатор экзо- ва эндотермик эффектлар мавжуд бўлиб, улардан 540-660 °С ҳарорат интервалида пайдо бўлган эндотермик эффект хлорит $Mg_{4.5}Al_{2.5}[OH]_8(Si_3AlO_{10})$ минералидан кристаллизация боғланган сувнинг парчаланиши билан тавсифланади, 880 °С ҳароратда ҳосил бўлган иккинчи эндотермик эффект кальцит минералининг парчаланишига тўғри келади, 900 °С дан юқори бўлган ҳароратларда ДТГ ва ТГ горизонтал чизиқлари фонида ДТА чизиғидаги эндотермик эффект намунада эриш бошланиши натижасида суяқ фаза ҳосил бўлиши учун иссиқлик ютилишини кўрсатади.



4-расм. Арватен кони диабазнинг дериватограммаси

Кейинги тадқиқотларимизни диабазни суяқлантириб қайта кристалланишини ўрганишга бағишладик. Тажриба тадқиқотларида диабазга 1200 °С ҳароратда тўрт соат ушлаб термик ишлов берилганда қора рангли суяқликка айланиши ва зангламайдиган пўлатдан тайёрланган плиталарга қуйиб олинганда

тим қора рангдаги шиша ҳосил бўлиши аниқланди. Суёқлантирилган диабаз намуналарига термик ишлов берилганда 600 - 1100 °С ҳарорат оралиғида қайта кристалланиши кузатилди.




5-расм. Диабаз эритмасининг 800°C (а), 900°C (б), 1000°C (в) ва 1100 °С (г) ҳароратларда кристалланган рентгенограммалари

Диабазни суёқлантириб, турли ҳароратларда қайта кристаллаб фазавий таркиби рентгенофазавий таҳлил орқали текширилганда (5-расм) 800 °С да авгит минералининг кучли ($d/n=0,166; 0,183; 0,211; 0,252; 0,298$ нм) ва анортитнинг ($d/n=0,202; 0,318; 0,468$ нм) кичик рефлексларини пайдо бўлиши аниқланди. Кристаллаш ҳарорат 1000 °С бўлганида иккала минерал чизикларининг интенсивлиги ортади ва 1100 °С ҳароратда кристаллангандан сўнг анортит чизиклари ($d/n=0,161; 0,168; 0,171; 0,176; 0,184; 0,192; 0,202; 0,209; 0,237; 0,266; 0,283; 0,294; 0,304; 0,318; 0,334; 0,344; 0,360; 0,403; 0,468$ нм) авгит ($d/n=0,174; 0,183; 0,212; 0,221; 0,229; 0,252; 0,298$ нм) чизикларидан устунлик қилади.

Диссертациянинг «**Шишакристалл кошнлар таркибини ишлаб чиқиш, хоссалари ва структурасини ўрганиш**» деб номланган тўртинчи бобида анортит тузилишли шишакристалл кошнлар шихта таркибини лойиҳалашда изо- ва гетеровалентли изоморфизм тамойилларидан фойдаланиш, каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида шишалар синтез қилиш, шишаларнинг физик-кимёвий хоссалари ва кристалланиш қобилиятини аниқлаш, шишаларга термик ишлов бериб кристаллантириш йўли билан шишакристалл кошнлар олиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари ҳамда микроструктурасини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.


Арватен кони диабазининг кимёвий таркиби асосида изо- ва гетеровалент изоморфизм қоидасига асосланган ҳолда диабазнинг $Ca[Al_2Si_2O_8]$ тузилишли кристаллокимёвий формуласи ($Ca[Al_{0,728}Si_{1,774}O_{5,640}]$) ишлаб чиқилганда, диабаз асосида олинган шишакристалл кошнларнинг юқори физик-техник хусусиятларини таъминловчи анортит ($CaO \cdot Al_2O_3 \cdot 2SiO_2$) минералини ҳосил

бўлиши учун унга 0,636 моль Al_2O_3 ва 0,226 моль SiO_2 қўшиш зарурияти аниқланди. Қўшимчаларни танлашда таркибида алюминий оксиди миқдори кўп бўлган хомашёларга эътибор қаратилди ва ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси ҳамда АКФ-78 каолини танланди. Шишакристалл кошинлар олиш учун шихта таркибига ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси орқали алюминий оксиди киритилса, каолинни киритиш орқали алюминий оксиди билан биргаликда кремний оксидини киритишга эришилди.



6-расм. Каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида ўрганилган таркиблар

Иزلанишларимизда ушбу хомашёлардан фойдаланиб шишакристалл кошинлар таркибини яратиш учун каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизими ўрганилди. Каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида ўрганилган таркиблар 6-расмда келтирилган.



7-расм. Каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида шиша ҳосил бўлиш майдони

Каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида шиша олиш борасида олиб борган тадқиқотларимиз натижаларига кўра, диабаз миқдорининг кўпайиши тизимда гомоген шиша ҳосил бўлиш майдонини кенгайтиради, алюминий оксидили кўшимчалар (каолин ва ШГКМ чиқиндиси) миқдорларининг ортиши ушбу майдонни камайишига олиб келади. Ушбу учламчи тизимда 1450 °C ҳароратда гомоген шиша ҳосил бўлиш майдонининг чегараси 7-расмда келтирилган ва бунда компонентларнинг миқдори каолин – 4 - 30 %, диабаз – 60 - 80 %, ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси – 10-20 %ни ташкил қилади.

Каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида олинган шишаларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида олинган шишаларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари


№	Зичлик, кг/м ³	ЧТКК $\alpha \cdot 10^{-7}$ К ⁻¹	Нур синдириш коэффициенти	Иссиққа чидамлилиқ, °C	Юмшаш харорати, °C	Кимёвий бардошлиқ, %		
						конц. HCl	35%ли NaOH	конц. H ₂ SO ₄
1	2680	69,30	1,55	200	700	96,50	93,20	98,00
2	2690	66,25	1,57	200	720	96,89	94,50	98,35
3	2700	64,08	1,58	200	750	95,67	93,98	98,00
4	2680	64,68	1,54	250	720	95,60	94,40	98,46
5	2700	62,04	1,56	250	750	98,88	95,53	98,73
7	2680	66,36	1,53	200	700	95,70	94,90	98,60
8	2700	61,80	1,58	300	800	96,30	95,68	98,50
9	2690	60,78	1,56	300	800	90,20	88,00	95,50
11	2660	63,25	1,52	250	720	89,30	87,50	94,45

Каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида шишаларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш натижасида зичлик, чизиқли термик кенгайиш коэффициенти (ЧТКК), юмшаш ҳарорати ва иссиққа чидамлилигининг таркибга боғлиқлик диаграммалари тузилди (8-расм). Ушбу «таркиб-хосса» диаграммаларини таҳлил қилиш шиша таркибий қисмларининг миқдори ўзгариши билан унинг хусусиятлари ўзгаришини кўрсатди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган 2-жадвал маълумотлари ва 8-расмда келтирилган боғлиқликлардан кўриниб турибдики, каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиситизимида шишаларнинг зичлиги 2660-2700 кг/м³ оралиғида бўлиб, таркибда ШГКМ чиқиндиси миқдори ортиб борган сари зичлик кўрсаткичлари ҳам ортиб боради. Тизимда диабаз ва каолин миқдорларини кўпайиши шишаларнинг зичлигини 2700 дан 2660 кг/м³ гача пасайишига олиб келади, бу шиша таркибидаги оксидларнинг атом оғирлигига боғлиқ, сабаби Al_2O_3 миқдорининг ортиши шиша зичлигининг ортиши билан кечади, диабаз ва каолин миқдори ортиши билан шиша таркибида SiO_2 миқдори ортади ва бу зичликнинг камайишига олиб келади.

Шихта таркибида диабаз миқдорининг камайиши ва алюминий оксидли кўшимчаларнинг миқдори ортиши билан олинган шишаларнинг иссиқликдан чизиқли кенгайиш коэффициентининг қиймати $69 \cdot 10^{-7} \cdot K^{-1}$ дан $60 \cdot 10^{-7} \cdot K^{-1}$ гача камаяди, юмшашнинг бошланиш ҳарорати қиймати 700-800°C орасида ўзгаради.

ШГКМ чиқиндисининг фоиз миқдорининг камайиши шишаларда юмшашнинг бошланиш ҳарорати пасайишига олиб келади. Диабаз ва каолин миқдори ортиб бориши билан, уларнинг таркибидаги SiO_2 ҳисобига тетраэдр $[\text{SiO}_4]$ структура асосининг полимерланиш даражаси ортади, бу эса ҳарорат майдонининг камайишига таъсир кўрсатади.



8-расм. Каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндисини тизимида шишаларнинг хоссаларини таркиб билан боғлиқликлари

зичлик (а), чизикли термик кенгайиш коэффиценти (б), юмшаш ҳарорати (в), иссиққа чидамlilik (г)

Каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндисини тизимида олинган шишаларнинг кислота ва ишқорга бардошлилиги юқори бўлиб, бу шишалар таркибларида ишқорий металллар оксидлари миқдори камлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичларини каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндисини тизимидасинтез қилинган шишалардан олинган шишакристалл кошнларни юқори физик-техник хусусиятларини таъминловчи кристалланиш қобилияти ва структура ҳосил бўлишини ўрганишга қаратдик. Шишаларининг кристалланиш қобилиятини аниқлашда массавий кристаллаш усулидан фойдаланилди. Кристалланиш қобилияти текширилаётган шиша намуналарига 600, 700, 800, 900, 1000, 1100°C ҳароратларда 1 соат давомида термик ишлов

берилди ва микроскоп остида олти балли шкала бўйича баҳоланди, натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Каолин-диабаз-ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси тизимида шишаларнинг кристалланиш қобилияти


№	600 °C	700 °C	800 °C	900 °C	1000 °C	1100 °C
1						
2						
3						
4						
5						
7						
8						
9						
11						

Ўтказилган тажрибалар натижалари келтирилган 3-жадвал

маълумотларидан кўришиб турибдики, 600 °Cда №1, 2, 7 шиша намуналар юзасининг айрим кичик қисмларида юпқа кристалланиш пайдо бўлади, 700 °C ҳароратда ушбу намуналар юзасида яхлит юпқа қоплам кўринишдаги кристалланиш кузатилади, 800 °Cда намуналар марказига қисман тақсимланиш билан юза кристалланиши содир бўлади, 900 °C ҳароратда бутун ҳажм бўйлаб кристалланиш кузатилади ва кристалл фаза миқдори 50-60 %га етади ҳамда 1000 °C ҳароратда шартли равишда тўлиқ кристалланади (кристалл фаза 60-100 %). №3, 4, 5, 8, 9, 11 намуналарда эса кристалланиш 700 °Cда бошланади ва 1100 °C да тўлиқ кристалланиш намоён бўлади.

Тадқиқотларимиз давомида кристалланган намуналарни «таркиб-ҳарорат-структура» боғлиқликлари ўрганилди ва натижалар рентгенофазавий таҳлил ёрдамида текширилганда, 900-1100 °C ҳароратлар оралиғида анортит, мелилит ва ранкинит фазалар ҳосил бўлиши, лекин ушбу фазаларнинг ўзаро нисбати намуналар таркибидаги диабаз, каолин ва ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси миқдорига ва кристалланиш ҳароратига боғлиқ равишда ўзгариши аниқланди. Олиб борилган тажриба тадқиқотларитаркибда алюминий оксидли қўшимчалар миқдори ва кристалланиш ҳароратнинг ортиши анортит фазаларини миқдорини ортиши билан кечишини кўрсатди. Шихта таркиби 71,3 % диабаз, 19,52 % ШГКМ Al_2O_3 чиқинди ва 9,18 % каолиндан иборат мақбул таркибли №5 намунага 900 °C, 1000 °C ва 1100 °Cда бир соат давомида термик ишлов берилганда рентген дифроктограммалари ҳароратга боғлиқ равишда фазавий ўзгаришлар содир бўлганлигини кўрсатади (9-расм). 900 °C ҳароратда термик ишлов бериб кристаллантирилганда мелилит ($d/n=0,164; 0,171; 0,173; 0,176; 0,211; 0,245; 0,252; 0,285; 0,346; 371$ нм) ва ранкинит ($d/n = 0,171; 0,184; 0,285; 0,333; 0,376; 0,439$ нм) фазалар ҳосил бўлади, шу билан бирга анортит кристаллана бошлайди. Кристалланиш ҳарорати 1000 °C бўлганида мелилит фазалар йўқолиб, ранкинит ($d/n= 0,202; 0,254; 0,267; 0,314; 0,376; 0,439$ нм) ва анортитга тааллуқли ($d/n =$

0,161; 0,176; 0,202; 0,226; 0,237; 0,318 нм) фазалар микдорининг ортиши кузатилди ва 1100 °С ҳароратда термик ишлов анортитга тааллуқли ($d/n = 0,153$; 0,161; 0,167; 0,176; 0,184; 0,188; 0,192; 0,202; 0,213; 0,251; 0,264; 0,293; 0,304; 0,318; 0,334; 0,344; 0,377; 403; 468 нм) фазалар ҳосил бўлиши аниқланди.



9-расм. 900 °С (а), 1000 °С (б) ва 1100 °С ҳароратда кристалланган №5 намуна рентгенограммаси

Шишакристалл кошинлар олиш учун шишаларнинг кристалланиш қобилиятини ўрганиш борасида олиб борилган кўп сонли тажриба тадқиқотларимиз натижасидатермик ишлов беришнинг мақбул параметрлари ишлаб чиқилди, унга кўра кристаллаш 2 босқичда 800°С (30-60 дақиқа) ва 1100 °Сда (60 - 120 дақиқа) амалга оширилади. Ишлаб чиқилган режим бўйича кристаллаб олинган турли таркибдаги тажриба намуналарини физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш борасида ўтказилган тажрибалар асосида олинган маълумотлар 4-жадвалда келтирилган. Ўтказилган тажриба синовларидан олинган маълумотларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, Арватен кони диабази, АКФ-78 маркали Ангрен каолини ва ШГКМ Al_2O_3 чиқиндиси асосида яратилган шишакристалл кошинларнинг физик-механик хоссалари барча кўрсаткичлари бўйича пол ва сирт кошинларига қўйиладиган ГОСТ талаблардан юқорилиги исботланди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу шишакристалл кошинлар таркибини яратилишида қўлланилган асосий хомашё республикамиз ва дунёнинг бошқа минтақаларида кенг тарқалган, осон топиловчи ва арзон бўлган диабаз тоғ жинсидир. Унинг кимёвий-минералогик таркиби 1450 °С ҳароратда $RO - R_2O_3 - 2RO_2$ тизимида анортитсимон таркибли шиша олиш ва ушбу шишалар асосида қўшимча кристалланиш нуклеаторларидан

фойдаланмасдан анортит таркибли шишакристалл материал олиш имконини берди.

4-жадвал

Ўрганилган намуналарнинг физик-кимёвий хоссалари

№	Кўрсаткичлар номлари	Таркиблар, №				
		2	3	4	5	9
1	Зичлиги, кг/м ³	2850	2900	3000	3100	3090
2	Эгилишга механик мустаҳкамлик чегараси, МПа	110	114	118	120	115
3	Сиқилишга механик мустаҳкамлик чегараси, МПа	690	730	750	800	770
4	ЧТКК $\alpha \cdot 10^{-7} \text{K}^{-1}$	54,25	52,08	51,76	48,04	50,24
5	Микро қаттиқлиги, МПа	8280	8440	8580	8850	8670
6	Ишқаланишга механик мустаҳкамлик чегараси, г/см ²	0,06	0,05	0,05	0,03	0,04
7	Сув ютувчанлиги, %	0,03	0,03	0,05	0,05	0,05
8	Совуққа чидамлилиги, цикл	>150	>150	>150	>150	>150
9	Ишқорга чидамлилиги, % (35 %ли NaOH)	98,50	98,98	99,00	99,83	99,68
10	Кислотага чидамлилиги, % конц. H ₂ SO ₄ конц. HCl	98,35	98,00	98,50	99,92	98,50
		96,89	97,67	98,20	98,98	98,30

Диссертациянинг «**Шишакристалл кошинлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган бешинчи бобида олиб борилган лаборатория тадқиқотлари ва саноат шароитида ўтказилган тажрибалар асосида шишакристалл кошинлар олишнинг хомашёга ишлов бериш, шихта тайёрлаш ва шиша пишириш каби умумий босқичларни ўз ичига олган анъанавий шиша технологияси ва прес кукундан керамика технологияси бўйича ишлаб чиқаришнинг технологик тизимлари ишлаб чиқилди. Унга кўра хомашёга ишлов бериш, шихта тайёрлаш, шиша пишириш ва кристаллаш қуйидагича амалга оширилади.

Хом ашёга ишлов бериш. Диабаз тоғ жинси дастлаб жағли майдалагичда ва кейин болғали майдалагичда 1 мм заррача ўлчамгача майдаланади. Бойитилган АКФ-78 каолини валли майдалагичда ва донадор ШГКМ алюминий оксиди чиқиндиси болғали майдалагичда 1 мм га қадар майдаланади. Майдалагичдан ўтган хомашёлар оралик бункерга ва ундан таъминлагич орқали шихта тайёрлашга узатилади.

Шихта тайёрлаш. Майдаланган диабаз, алюминий оксидли чиқинди ва каолин белгиланган миқдорда бир хил аралашма олиш учун аралаштиргичга берилади. Аралаштиргичда чанг ҳосил бўлишининг олдини олиш учун аралашма 1,5 - 2 % сув билан намланади ва таъминлагич ёрдамида ваннали печга юборилади.


Шиша пишириш. Шиша пишириш ваннали печда 1450 °С ҳароратда олиб борилади. Гомогенлаш ва тиниклаштириш жараёнлари тугагандан сўнг шиша массаси қолиплаш (шиша технологияси бўйича) ёки майдалаш йўли билан (керамика технологияси бўйича) шишакристалл кошинлар ишлаб чиқаришга берилади.

Пресс кукун олиш ва шакллаш. Керамика технологияси бўйича шишакристалл кошин олиш учун шиша шарли тегирмонда 4 - 5 соат давомида

№0063 рақамли элақда қолдиқ қолмасдан ўтгунча майдаланади ва вақтинча боғловчи билан аралаштирилиб 200 кг/см^2 куч остида гидравлик прессда шаклланади. Изланишларимизда вақтинча боғловчи сифатида бир қанча полимерлар синовдан ўтказилди ва поливинил спирт танлаб олинди, ушбу полимернинг авзаллиги термик ишлов бериш вақтида ёриқлар, ёнганда кул ҳосил қилмаслиги ва ярим маҳсулотнинг мустаҳкамлиги юқорилигидадир.

Термик ишлови бериш (кристаллаш). Термик ишлов бериш кристалл марказлари ҳосил бўлишини ва кристалларни ўсишини таъминлаш босқичларини ўз ичига олади. Шишакристалл кошинларни анъанавий шиша технологияси бўйича ишлаб чиқаришда кристалланишнинг 1 босқичи $800 \text{ }^\circ\text{C}$ ҳароратда 30 дақиқа ва 2 босқичи $1100 \text{ }^\circ\text{C}$ ҳароратда 60 дақиқа давомида амалга оширилади, керамика технологияси бўйича ишлаб чиқаришда эса изотермик ушлаш вақти кристалланиш босқичларида 60 ва 120 дақиқани ташкил қилади. Тайёр шишакристалл кошинлар сараланади ва силлиқлаб сифатли тайёр маҳсулот омборига юборилади.

Керамика технологияси бўйича шишакристалл кошинлар олишнинг принципиал технологик тизими қуйидаги 10-расмда келтирилган. Таклиф этилаётган технология бўйича Арватен кони диабази асосида олинган юқори физик-техник кўрсаткичларга эга 1 м^2 шишакристалл кошиннинг таннари чет элдан келтириладиган шишакристалл кошин нархидан баробар арзон бўлиб 62309 сўмни ташкил қилди.



10-расм. Керамика технологияси бўйича шишакристалл кошинлар олишнинг принципиал технологик тизими:

1-хомашё бункерлари, 2-таъминлагич, 3-жағли майдалагич, 4-болғали майдалагич, 5-валли майдалагич, 6-оралиқ бункер, 7-сув учун сифим, 8-тарелкали аралаштиргич, 9-ваннали печ, 10-гранулятор, 11-элеватор, 12-шарли тегирмон, 13-боғловчи учун сифим, 14-пресс, 15-вогонетка, 16-кристаллаш печи, 17-силлиқлаш дастгоҳи, 18-тайёр маҳсулот омбори.

ХУЛОСА

1. Замонавий физик-кимёвий таҳлилларлардан фойдаланиб Арватен кони диабазининг кимёвий-минералогик таркиблари, физик-кимёвий хоссалари ўрганилди ва ушбу хомашё шишакристалл материаллар олишда истиқболли хомашё ресурси сифатида тавсия этилди.

2. Арватен кони диабазининг $RO \cdot R_2O_3 \cdot 2RO_2$ тузилишли кимёвий формуласини $(CaO \cdot 0,364Al_2O_3 \cdot 1,774SiO_2)$ ишлаб чиқиб, анортит $(CaO \cdot Al_2O_3 \cdot 2SiO_2)$ таркибли шишакристалл материал олиш учун Al_2O_3 ва SiO_2 қўшиш зарурияти аниқланди. Хомашёлар таркибий қисмларини танлашда таркибга алюминий оксидини юқори миқдорларда киритиш учун ШГKM Al_2O_3 чиқиндиси ва бойитилган Ангрен каолини танланди.

3. Каолин-диабаз-ШГKM Al_2O_3 чиқиндиси учламчи тизимида шиша олиш учун компонентларнинг чегара қийматлари аниқланиб, шихта таркиби: каолин – 4-30 %; диабаз – 60-80 %; ШГKM Al_2O_3 чиқиндиси – 10-20 % миқдорларда тавсия этилди.

4. Ўрганилган тизимда ШГKM Al_2O_3 чиқиндиси канцентрация миқдорининг ошиши тажриба шишаларни чизикли термик кенгайиш коэффиценти пасайишига, зичлик, иссиққа чидамлилиқ ҳамда юмшаш ҳароратларининг ортишига олиб келади. Олинган шишаларнинг иссиқликка чидамлиги (200-300°C), юмшаш ҳарорати (700-800°C) ва кимёвий бардошлилигининг (94,6 - 98,88 %) юқорилиги, уларнинг таркибида ишқорий оксидларнинг камлиги билан изоҳланади.

5. Массавий кристаллаш усулида 900-1000 °Cда термик ишлов бериб шишаларни кристаланиш қобилияти ўрганилганда мелилит ва ранкинит минераллари, 1100 °Cда асосий фаза бўлиб анортит кристалланиши аниқланди. Шишакристалл кошнлар олиш учун шишаларни икки босқичли 800-1100 °Cда кристаллаш усули тавсия этилди.

6. Мақбул таркибли №5 шиша намунаси кристалланганда анортит кристаллари шаклланиши ҳисобига, олинаётган шишакристалл кошннинг эгилишдаги механик мустаҳкамлик чегараси - 120 МПа, сиқилишдаги механик мустаҳкамлик чегараси - 800 МПа, микро қаттиқлиги - 8850 МПа, ишқаланишга чидамлилиги - 0,03 г/см², сув ютувчанлиги - 0,05%, кимёвий бардошлилиги 98,98-99,92 %, совуққа чидамлилиги 150 цикл бўлиши таъминланди ва юқори физик-техник кўрсаткичларга эга бўлган самарали пол кошнлари олиш учун тавсия этилди.

7. Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига асосланиб шишакристалл кошнлар ишлаб чиқаришнинг технологик регламенти ишлаб чиқилди ва энергиятежамкор технологияси ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc03/30.12.2019.Т.04.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

ЖУМАНИЁЗОВ ХУРМАТБЕК ПАЛВАННАЗИРОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ
СТЕКЛОКРИСТАЛЛИЧЕСКИХ ПЛИТОК НА ОСНОВЕ ДИАБАЗА
АРВАТЕНСКОГО МЕСТОРОЖДЕНИЯ**

02.00.15 - Технология силикатных и тугоплавких неметаллических материалов

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент - 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан заномером B2020.4.PhD/T1893

Диссертация выполнена в Ургенчском Государственном университете и Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.tkti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net

Научный руководитель:	Арипова Мастура Хикматовна доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Юнусов Миржалил Юсупович доктор технических наук, профессор Талипов Нигматулла Хамидович доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	Институт материаловедения НПО «Физика-Солнце»

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № ____, с которой можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (100011, г. Ташкент, Шайхонтаурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.)

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(протокол рассылки № __ от _____ 2020 года).

С.М. Турабджанов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Х.И. Кадиров
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н. (DSc)

З.А. Бабаханова
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней, д.т.н. (DSc)

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире стеклокристаллические материалы, полученные из чистых реагентов широко используются в космонавтике, ракетостроении, самолётостроении, машиностроении, химии, медицине и бытовом хозяйстве. Использование стеклокристаллических материалов в области строительства сыграет важную роль для улучшения устойчивости к внешней среде и декоративного состояния современных зданий и сооружений. В развитых странах, таких как США, Китай, Россия, Япония достигнуты определенные результаты по получению стеклокристаллических плиток, и уделяется особое внимание к внедрению ресурсо- и энергосберегающих технологий производства.

В мире ведутся интенсивные научно-исследовательские работы по изучению химико-минералогического состава магматических, метаморфических и осадочных горных пород, разработке рецептур стеклокристаллических материалов с микрокристаллической структурой, выявления функциональных взаимосвязей между физико-химическими свойствами и кристаллизационной способностью стекла, определению режимов кристаллизации, обеспечивающих появление кристаллических фаз, разработке аортитовых структурных стеклокристаллических плиток методом кристаллизации.

В нашей Республике в результате проводимых широких мер достигнуты значимые научные и практические результаты по модернизации предприятий химической промышленности и строительных материалов, расширению ассортимента конкурентноспособных продуктов, созданию новых сырьевых ресурсов и развитию промышленных технологий производства импортозамещающих продуктов на их основе. В «Стратегии действий по дальнейшему развитию» Республики Узбекистан в 2017-2021 годы в третьем направлении поставлены важные задачи: «поднять промышленность на качественно новый уровень, обеспечить глубокую переработку местного сырья, ускорение готовой продукции, освоение новых видов продукции и технологий»¹. В этом плане, одним из актуальных задач является разработка составов и технологий производства стеклокристаллических плиток, обладающих высокой механической устойчивостью, устойчивых к морозу и химическим воздействиям, с использованием диабаз Арветенского месторождения, Ангрэнского каолина и отхода Шуртанского газохимического комплекса (ШГХК), содержащего оксид алюминия.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан за №ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», за № ПП-4302 от 1 мая 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию промышленной кооперации и расширению производства

¹Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы»

востребованной продукции», за № ПП-4335 от 23 мая 2019 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследований с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики. Настоящее исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Исследования по изучению состава и технологии получения стеклокристаллических материалов, а также по изучению свойств полученных материалов проведены такими учеными, как S.D.Stookey, S.Ergul, A.A.Karamanov, R.Casasola, И.И.Китайгородский, Н.М.Павлушкин, П.Д.Саркисов, Н.М. Бобкова, Л.А.Орлова, Л.А.Жунина, К.С.Кутателадзе, С.Т.Сулейманов, Б.О.Есимов, Т.И.Артамонова, Г.А.Лебедова, А.В.Мананков, Н.А.Сиражиддинов, А.А.Исмаатов, М.Х.Арипова, М.Т.Мухамеджанова, З.А.Бабаханова, Г.А. Артиков, Т.Д. Сидикова, Д.Б. Ахунов, Х.А. Адинаев, Б.Р. Рузибаев и другие.

Ими было изучено влияние нуклеаторов на кристаллизационную способность стекла, предложены составы стеклокристаллических материалов на основе литиевой ($\text{Li}_2\text{O}-\text{Al}_2\text{O}_3-\text{SiO}_2$), кальциевой ($\text{CaO}-\text{Al}_2\text{O}_3-\text{SiO}_2$), магниевой ($\text{MgO}-\text{Al}_2\text{O}_3-\text{SiO}_2$), стронциевой ($\text{SrO}-\text{Al}_2\text{O}_3-\text{SiO}_2$), бариевой ($\text{BaO}-\text{Al}_2\text{O}_3-\text{SiO}_2$) систем.

Наряду с этим, ведутся научные исследования по изучению взаимосвязи кристаллическая фаза-химический состав при получении стеклокристаллических материалов на основе горных пород, перехода в монофазовое состояние из двух-, трех- и четырехфазовых состояний с использованием изо- и гетеровалентного изоморфизма и по разработке технологий производства стеклокристаллических плиток путем направленной кристаллизации.

Связь диссертационного исследования с тематическим планом научно-исследовательских работ. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ташкентского химико-технологического института в рамках прикладного проекта ИДТ 6-119 «Стеклокристаллические композиционные материалы технического назначения на основе базальтовых горных пород Узбекистана» (2009-2011 год).

